

Бомдод намозидаги икки ракъат суннатнинг фазли (20-тавсия)



05:00 / 11.03.2017 6286

Бомдод намозидаги икки ракъат суннатнинг фазли (20-тавсия)

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мени менга манфаат берадиган бир амалга йўллаб қўйинг», деди. У зот: **«Бомдоднинг икки ракъат(суннат) ида бардавом бўл, чунки уларда фазилат бор»**, дедилар»

Яна шу кишидан қилинган бошқа бир ривоятда шундай дейилган:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Бомдод намозидан олдинги икки ракъатни қолдирманглар, чунки уларда рағоиблир (рағбатлантирувчи нарсалар) бор»**, деганларини эшитдим».

Табароний «Муъжамул кабир»да ривоят қилган.

Изоҳ: Рағоиблир – намозхонни рағбатлантиручи улкан ажру савоблардир. Шунинг учун ҳам ушбу намоз «рағоиб намози» деб аталган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бомдоднинг икки ракъати бу дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар»

Муслим, Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Аҳмад ва Абу Довуд: «Агар сизни отлиқлар қувиб келаётган бўлса ҳам, шу иккисини қўйманглар»ни зиёда қилишган.

Имом Муслимнинг ривоятида: «Шу иккиси мен учун дунёнинг барча нарсаларидан маҳбуброқдир», дейилган.

Изоҳ: Юқоридаги ҳадисларда бомдоднинг икки ракъат суннати ҳақида сўз бормоқда. Бу икки ракъат суннат энг фазилатли вақтда ўқилади. Унинг ажр-савоби ниҳоятда улкандир. Агар бомдоддаги икки ракъат суннат намознинг савобини бу дунёнинг ўлчови билан ўлчайдиган бўлсак, у дунё ва ундаги жамики нарсалардан яхшироқдир.

Юқоридаги ҳадислардан олинандиган фойдалар:

1. Бомдоднинг икки ракъат суннатини бардавом ўқиш ниҳоятда фазилатли амалдир.
2. Бомдоднинг икки ракъат суннатида намозхонни рағбатлантирувчи улкан ажру савоблар бор.
3. Бомдоднинг икки ракъат суннати ниҳоятда муҳимлигидан душман қувиб келаётган бўлса ҳам уларни тарк қилмаслик тавсия қилинмоқда.
4. Бомдоддаги икки ракъат суннат дунё ва ундаги жамики нарсалардан яхшироқдир.
5. Бомдоддаги икки ракъат суннат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун дунёнинг барча нарсаларидан маҳбуброқ эди.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.